

Давлат бюджетини бошқаришда ғазначилик ахборот тизимини яратишнинг ахамияти.

Давлат бюджети ва уни бошқариш механизми, молиявий тизимнинг асосини ташкил этиб, бозор иқтисоди шароитида биринчи навбатда ислохатларнинг амалга оширилиши заруриятини келтириб чиқаради. Давлат бюджетининг ижросини таъминлашда асосий масалалардан бири бўлиб, бюджет маблағларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш, бюджет тушумларининг ва солиқларнинг ўз вақтида бюджетга келиб тушишини таъминлаш, бюджет ижросини маблағлар билан ўз вақтида таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Ғазначилик тизими – жаҳон тажрибаси бўйича умумий қабул қилинган орган ҳисобланиб, давлат бюджети ижросини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.04.2002 йилдаги 144-сонли “Давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш лойиҳасини жорий қилиш ва тайёрлаш чоралари тўғрисидаги” қарори асосида бундан тизимни республикада яратиш ишлари бошлаб юборилган эди. Бу лойиҳани ишлаб чиқишда Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Франциянинг иқтисодиёт, молия ва саноат вазирликлари, ТАСИС, Ислом тараққиёт банки каби кўплаб халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинди.

Ўзбекистон Республикасида “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2004-йил қабул қилинган “Ғазначилик тизими” тўғрисидаги қабул қилган қонунлари республикада ғазначиликнинг яратилишига асос бўлди.

Шу кунга қадар Молия вазирлигида ғазначилик тизимини яратиш устида анчагина ишлар амалга оширилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу тизимни яратиш лойиҳаси устидаги ишлар якунига етмоқдадир. Бу лойиҳани амалга ошириш 2006-2008 йилларда республикада ғазначилик тизимининг босқичма-босқич кириб келишига асос бўлиб хизмат қилади.

Давлат бюджетининг ғазначилик ижросига ўтишнинг мақсад ва вазифалари қуйидагиларни амалга оширишга қаратилгандир:

- Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш;
- Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш;
- Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш муддатини қисқартириш ва сифатини янада яхшилаш.

Бунда ягона ғазначилик ҳисоб рақами барча тижорат банкларида очилган бюджет ташкилотларининг бюджет ҳисоб рақамларининг ўрнига очиладиган ҳисоб рақам бўлади.

Ягона ғазначилик ҳисоб рақами Марказий банкда очилади ва Давлат бюджетининг даромад ва харажатлари бўйича барча операцияларни умумлаштиради.

Давлат бюджети маблағларини бошқаришни амалга оширувчи ғазначилик тизимини яратиш фақатгина замонвий ахборот технологиялари

ва телекоммуникацион воситаларини қўллаш орқалигина амалга оширилиши мумкиндир.

Ғазначилик тизими шароитида давлат бюджети маблағларини бошқариш қуйидагиларни амалга оширишни кўзда тутди:

- тўловномаларни қайта ишлашнинг (ҳисоблашнинг), турли хил бюджетлар ҳисобининг олиб борилишининг, бюджет ҳисоботларининг, молиявий маблағларнинг бошқарилишининг ғазначилик ташкилоти томонидан марказлаштирилган ҳолда олиб борилишини таъминлаш;
- бюджет даромадларини Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкада очилган “Ягона Ғазначилик Ҳисобваракасида” (ЯҒХ) тўплаб олиб борилишини таъминлаш;
- бюджет молиявий операцияларининг марказлаштирилган ҳолда, ғазначилик ҳисоб-китобларининг “Бош Китоби” да олиб борилишини таъминлаш.
- давлат молиясини бошқаришнинг ягона ахборот тизимини яратиш (ДМБАТ);
- давлат молияси секторида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига ягона ёндашувликни ва стандартларни тадбиқ этиш;

Ғазначилик тизими шароитида давлат бюджети маблағларини бошқаришда касса операцияларининг ягона бўлиши талаб этилади, бунда бюджет маблағларининг касса ижросини амалга оширувчи ташкилот – ғазначиликка “Ягона Ғазначилик Ҳисобваракасида” (ЯҒХ) очилади ва жами бюджет тушуми маблағлари ана шу ҳисобварақда олиб борилади ва барча харажатлар ҳам ана шу ҳисобварақдан амалга оширилади. Ғазначилик ташкилоти жами бюджет маблағларини олувчилар ва уларни берувчиларнинг кассирлари бўлиб хизмат килади ва бюджет ташкилотларинг топшириқлари билан бюджет маблағларини ўтказиб беришади. Бунда жами бюджет маблағлари сарф-харажатлари ЯҒХ дан амалга оширилади ва ҳар қандай операцияларнинг уни четлаб амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

Чет давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки давлат бюджети маблағларини бошқаришни амалга оширувчи ғазначилик тизимини яратиш фақатгина замонвий ахборот технологиялари ва телекоммуникацион воситаларини қўллаш орқалигина амалга оширилиши мумкиндир.

Молия вазирлиги АҲМ
директорининг ўринбосари

Т.Қўчқоров